

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 23 декабрь, № 246 (4909)

Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ва барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатларимиз савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.

Сергей Лавров самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари доирасида эришилган келишув-

лар изчил амалга оширилаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни

қизиқтирган бошқа қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)

Сервар ҲУРОНОВ
олган сурат.

САЙЛОВ — 2009

Бугунги сонда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

Хар қандай давлатнинг сиёсий ҳаётида сайловлар муҳим ўрин эгаллайди, зеро уларнинг натижалари, кўп ҳисобдан, мамлакатнинг келгуси ривожини белгилаб беради. Сайловларнинг демократик тарзда ўтказилиши барқарор фуқаролик жамияти ва давлатнинг изчил ривожланиши асосидир.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВ ИНСТИТУТИ — ДЕМОКРАТИЯ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат вакиллик ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга.

қонунчилик базаси шакллантирилди.

2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.

Хозирги кунда мамлакатда бўлажак сайловга кенг қўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Кузатувчиларнинг иштирокида демократик сайловнинг очик ва ошкорга ўтказилишида муҳим омили ҳисобланади. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида"ги Қонуннинг 6-моддаси сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда масалаларига бағишланган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий тизим, давлат тизими, ҳуқуқий тизим изчиллик билан, босқичма-босқич ислоҳ этиб борилаётганлиги тўғрисида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Кузатувчиларнинг иштирокида демократик сайлов кўриш ва уни ўтказишда доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кўриш овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий

Сайловнинг самарали, халқро меъёрлар ва таномилларга мос бўлган

(Давоми 3-бетда.)

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири С. Лавров 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В. Норов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим

ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболли юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида икки мамлакат ташқи сийosat маҳкамаларининг 2010 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

С. Лавров Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди.

(Ў.А.)

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК—РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Кеча пойтахтимиздаги Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдо-республика маркази биносида 2010 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли товарларини харид қилиш бўйича республика улгуржи савдо ярмаркаси иш бошлади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда кейинги йилларда бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил иш-хотлар натижасида иқтисодийнинг реал сектори кор-

Ярмарка

хоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришини рағбатланти-

риш, шунингдек, корхоналарнинг савдо ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатилтишда манфаатдорлигини

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 17 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 510-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 7-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошида «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 8-модданинг номидаги ва биринчи қисмидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи ва иккинчи қисмларидаги «захирга» деган сўз «резервга» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Муҳофазат тўғрисида»ги 641-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган 211-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 80-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда) **8-моддасининг ўн биринчи хатбошидаги** «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; № 7, 324-модда) **41-моддасининг иккинчи хатбошидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

га кирувчи ҳарбий хизматчи, прапорщик, мичман ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 49-модданинг биринчи қисмидаги «муддатли ҳарбий хизматчиларни» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизматчи хизматчиларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 287-модда: **биринчи қисмининг диспозициясидаги** «Муддатли хизмат» деган сўзлар «Муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг диспозициясидаги «Муддатли хизмат» деган сўзлар «Муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «прапорщик, мичман» деган сўзлар эса чиқариб ташлансин;

4) 288-модда иккинчи қисмининг диспозициясидаги «прапорщик, мичман» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) 295-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар; № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда; № 6, 248, 249-моддалар; № 9, 422-модда; № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар; № 9, 482, 484, 487-моддалар; № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда; № 9, 335-модда) **254-моддасининг биринчи қисмидаги** «муддатли ҳарбий хизматчи» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизматчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жаобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда; № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 4-5, 126-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар; № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 5, 67-модда; № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; № 9, 171-модда; № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда; № 9, 498-модда; № 10, 536-модда; № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар; № 9, 416, 421-моддалар; № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар; № 9, 486, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар; № 10, 380-модда) **16-моддасининг биринчи қисмидаги** «Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга» деган сўзлар «Муддатли ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматчиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда

қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда; № 9, 330, 337-моддалар) **31-моддасидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-моддалар; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 68-модданинг биринчи қисмидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи қисмларидаги «захирга» деган сўз «резервга» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) 143-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошидаги «муддатли ҳарбий хизматдан захирга бўшатиш» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 144-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбоши рўсча матнидаги «срочной службы» деган сўзлар «срочной военной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 231-модда иккинчи қисмининг рўсча матнидаги «срочной службы» деган сўзлар «срочной военной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 278-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда) **1-моддасининг олтинчи хатбошидаги** «старшиналар, прапорщиклар, катта прапорщиклар, мичманлар ва катта мичманлар» деган сўзлар «ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар тартибидagi ҳарбий хизматчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда; № 9, 422-модда; № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда; № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 148-модданинг иккинчи қисмидаги «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 150-модданинг иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 154-модданинг биринчи қисмидаги «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда; № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **73-моддасидаги** «захирга» деган сўз «резервга» деган сўз билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўрмон тўғрисида»ги 770-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 122-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **31-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита билан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 164-II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 324-модда) **4-бандининг «а» кичик бандидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «Аҳолини сил касаллигидан муҳофазат қилиш тўғрисида»ги 215-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўмумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда; № 12, 630-модда) **40-моддасининг иккинчи қисми рўсча матнидаги** «срочной службы» деган сўзлар «срочной военной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРК-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар) **275-моддасининг биринчи қисми 8-банди рўсча матнидаги** «срочной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча қиради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 22 декабрь
№ УРК-238



Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқларимизнинг қиёфасини ўзгартириш, у ерлардаги аҳолининг турмуш даражасини, ижтимоий-сиёсий маданиятини юксалтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз рўй бераётган бир шароитда мамлакатимизда қишлоқ ҳаёти ва турмуш тарзини янада яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, ўтган давр мобайнида бу соҳани янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим қонунлар қабул қилинди. Фермер хўжалиқларининг барқарорлиги, уларнинг фаолият самардорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳақиқий ўрта синф вакиллари сифатида шаклланишлари учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" Давлат дастурининг қабул қилинганлиги мазкур ҳаракатнинг янада ўсишига катта туртки бўлди. Қишлоқ тараққиёти топса — мамлакатимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлиши тўғрисидаги гоёни амалга оширишга қаратилган ушбу муҳим ҳужжат, маълумки, нафақат ўтаётган йил, балки келажак учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президентимиз бу борадаги дастлабки натижаларни эълон қиларкан, қишлоқлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самаралари билан бирга, ушбу йўналишдаги жараёнларнинг қонуний асосини янада такомиллаштириш, қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўла таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Таъкидлаш лозимки, бу йўналишда қабул қилинган дастурий ҳужжатлар қишлоқлар қиёфасини замона талабларига мос тарзда ўзгартириш, у ердаги аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳамда шаҳар шароитларига яқинлаштириш, қишлоқларда хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида муҳим ҳисобланган ҳуқуқий асослар яратди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги соҳасига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қишлоқларда ўтказилаётган ислохотларнинг асосий бўғини — фермер хўжалиқлари, шу жойдаги тадбиркорлар ва ишбилармонларга қўмақ бериш ЎзЛиДеП учун ҳар доим устувор дастурий вазифалардан биридир. Аграр ислохотларнинг таянчи бўлган фермерлар, маълумки, ЎзЛиДеП электоратининг асосий қисми ҳисобланади. Маълумки, бизнинг партиямиз мамлакатимиздаги мулкдорлар қатлами, корхона эгалари, кичик бизнес вакиллари билан бир қаторда, қишлоқдаги ўрта синф манфаатларини ҳам ифодалайди.

Мамлакатимизда, жумладан, қишлоқда ҳам ўрта синфнинг шаклланиши, бу, шубҳасиз, иқтисодий юксалишнинг муҳим омилidir. Мустақиллик йилларида бу синф вакиллари қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқарувчилари сифатида шаклланди ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги роли ошиб бормоқда.

Ушбу қатлам қишлоқда ҳаётни сифат жиҳатдан ўзгартириб, замонавий технология ва инновацияларни татбиқ этиб, туб ислохотларни амалга оширмоқда. Айнан шу жиҳатдан ЎзЛиДеПнинг устувор вазифаларидан бири иқтисодий янада либераллаштириш, бозор ислохотларининг устувор йўналишларини, фермерлик ҳаракатини ва бошқа соҳаларни ривожлантириш билан қишлоқда ўрта синф сафини кенгайтириб боришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, бизнинг сиёсий рақиблиримиздан бири бўлган Халқ демократик партияси ўзининг дастурий ҳужжатларида юқорида зикр этилган муаммоларга муайян эътибор қаратмоқда. Афсуски, бу партиянинг таклифлари, асосан, қундалик ва реал ҳаётдан анча узоқ бўлиб, мавҳум хусусиятга эга ва қозғода қолиб кетмоқда. Масалан, ЎзХДП вакиллари "нигоҳ"ларини қишлоққа қаратиб, у ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини эътиборга олиб, уларнинг ҳаёт тарзини, турмуш шароитини яхшилашга ҳаракат қилишадиганини уқтириб келмоқдалар. Бугунги кунда турли ҳудудларда сайловлар билан бўлган учрашувларда қатнашаётган вакиллари-

мизнинг бир неча бор таъкидлашларича, айнан ушбу партия номзодлари бу борадаги баъзи муаммоларни ҳал қилиш қайси ва қандай маблағлар ҳисобига амалга оширилади ҳақидаги оддий саволларга ҳам бирор-бир аниқ жавоб бера олмаптилар.

"Миллий тикланиш" партиясининг бутун мамлакатда, жумладан, қишлоқларда ҳам фақатгина миллий тадбиркорлар қатламини қўллаб-қувватлаш гоёсини ҳам тушуниб бўлмайдими. Ўз номида акс этган "миллий" атамасини ҳамма нарсга тиркаб қўйиш масаланинг моҳиятини ва уни аниқ ечиш йўллари билан таъминлашнинг ушбу партия вакиллари наҳотки тушунмасалар? Улар бирон-бир

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЎРТА СИНФ ИСТИҚБОЛИ

тушунчани мутолалаштириш салбий оқибатларга олиб келишини, ҳамма соҳа, йўналиш ва жараёнларни курак миллийлаштириш ҳам ўз қобилигига ўралиш, дунё таърибасидан етарлича фойдаланмасликка сабаб бўлишини билмайдиларми? Аслида, гап сўзда эмас, ишда бўлиши лозимлигини бугунги сайловчи яхши билмади. Энди уни жимжимдор сўзлардан иборат ваъдалар билан қалғитиш ниҳоятда қийин.

Ғалпинг индаллосини айтганда, на ХДП, на "Миллий тикланиш" партияларининг қишлоқ тараққиёти, қишлоқда ўрта синфни шакллантириш, бу жойда яшовчи аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича аниқ таклиф ва лойиҳалари бор. Уларнинг ўтган йилларда қишлоқларда бу йўналишда лоақал битта ташаббус кўрсатиши, битта аниқ таклиф ва лойиҳа амалга оширишига ким ва нима ҳақиқат берди? Бу саволга ушбу партияларнинг вакиллари жавоб беришмайди, бериша олмайдими.

Ваҳоланки, ЎзЛиДеП мамлакатимизда фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзининг дастурий вазифаларини аниқ ифода этган, уларнинг комплекс харақатерга, тадрижийлик ва истиқболга эгаллигини яхши англайди.

ЎзЛиДеП эркин тадбиркорликни қучайтириш, ушбу ташаббуснинг истиқболда ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тоқонуний аралашувга чек қўйиш каби масалаларни долзарб деб билади. Маълумки, мулкдорлар юқори даражада ҳуқуқий саводхонликка эга бўлмас экан, уларнинг фаолияти даврида айрим ҳуқуқий муносабат муносабатида келиб чиқаётган муаммоларга дуч келиши табиийдир. Шу маънода, ЎзЛиДеП ҳақиқий ўрта синфга хос ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароит, айниқса, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурмоқда.

Партиямиз бошқа партиялар, хусусан, "Адолат" партиясининг бу борадаги юзак қарашларига нисбатан ўз позициясини баён қилар экан, эркин тадбиркорлик фаолияти юзасидан ўрнатилган ҳуқуқий қарорлар нафақат қонун асосида аниқланиши, балки шунинг баробарида уларга амалиётда қатъий риоя қилиниши шарт деб билади. Шу нукта назардан ЎзЛиДеП ўз депутатлари орқали ишбилармонлар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш механизмининг қонунийлик базаси асосида доимий ривожда такомиллаштириб боришга ҳаракат қилади.

Юқорида номлари келтирилган партиялар вакиллари билан оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ва сайловолди учрашувларида ҳам ЎзЛиДеП таянадиган либераллаштириш гоёсининг мазмун-моҳиятини тушунмаслик ёки атайлаб сохталаштириш ҳоллари учрамоқда. Хусусан, ХДП ва "Адолат" партияси вакиллари тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг эмин-эркин ривожланиши тўғрисидаги қарашини бўзиб кўрсатиб, уни ЎзЛиДеП мутолалаштиришда, шу асосда чексиз-чегарасиз эркинлик гоёсини илгари сур-

моқда, дея даъво қилмоқдалар. Аслида ундай эмаслигини зукко сайловчилар яхши биладилар, деб ўйлаймиз.

Қишлоқда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ўсиши, хусусий мулкчиликнинг барча шакллари ривожлантиришда партия учун асосий масала соғлом рақобат муҳитини яратиш, бу орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш тарзини янада яхшилашдан иборат.

Қишлоқда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва ўрта синфни шакллантириш билан боғлиқ тавсияларни ЎзЛиДеП ўзининг дастурида аниқ ифодалаб берган ва уларни амалга оширишда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, айниқса, Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси билан ҳамкорлик қилади ва бу борадаги алоқани мунтазам мустаҳкамлаб бораверади. Ушбу фаолият мазкур уюшма билан тузилган битим доирасидаги ўзаро ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, ЎзЛиДеП ўзи таъсис этган Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш Маркази имкониятларидан кенроқ фойдаланишга ҳаракат қилади.

Мазкур Марказ фермер хўжалиқлари фаолияти жараёнида юзга келган муаммоларни таҳлил қилади, фермерлар ва тадбиркорларнинг талаб ва таклифларини эътиборга олган ҳолда уларни ҳал қилиш масалаларини кўриб чиқади, ушбу муаммоларни бартараф этишда давлат ва хўжалик бошқаруви, статистика ташкилотлари, молия ва божхона солиғи бўйича мутахассисларни ўз фаолиятига жалб этади.

Партия ўтказиладиган турли чора-тадбирлар, ташвиқот-тарғибот орқали тадбиркорлик фаолиятига қишлоқларда яшовчи аёллар ва ёшларни кенг жалб қилишга доир фаолият олиб боради. Айниқса, бу борада кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсатида ҳар томонлама қўмақлашди. Қишлоқ жойларда қасаначилик, хунармандчилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш асосида кичик корхоналар ташкил қилиш орқали ёшларни ва аёлларни иш билан таъминлашни ўз дастурининг устувор вазифаларидан бири сифатида билади.

ЎзЛиДеП хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни кредитлаш учун рисоладагидек шарт-шароит билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тузишда керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Бизнинг партия чакана савдо, нақд ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмининг янада такомиллаштириш ҳамда банд қишлоқ ташқари нақд пул айланишини қисқартириш тарафдоридир. Шунингдек, партия маҳсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан модернизациялаш, экспорт потенциалининг ўсиши масаласида тадбиркорлик тузилмаларини келгусида ҳам рағбатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Бугунги масъулиятли даврда ЎзЛиДеП ўзининг қуч ва имкониятларини Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлирига сайловларда кўпроқ ўрин олиш, уларда голиб чиқишга сарфлайди, албатта. Бу эса партиямизга соғлом рақобат жараёнида бошқа сиёсий партиялардан кўра, ўз электорати манфаатларини тўла-тўқис ҳимоя қилиш, олдига қўйган аниқ мақсадларни амалга оширишга имкон беради.

Сайлов муҳим синов ва имтиҳон тарзида бизга катта масъулият юқлайди. Бу масъулият юрт тинчлиги, Ватан раванки ва халқ фаровонлиги, жамиятнинг мустаҳкам ривожланиши омили бўлган демократик ислохотларнинг таянчи ҳисобланган аҳоли қатлами, яъни ўрта синфнинг ўрни ва ролини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам сайловчилар! Бўлажак сайловларда партиямиз вакиллари қўллаб-қувватлайсиз, деб умид қиламиз. Ўз навбатида, биз сайловолди дастурида белгилаб олган вазифаларни собитқадамлик билан амалга оширишга ва бу борада сизнинг ишончингизни оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Нуралӣ НИЗОМОВ, ЎзЛиДеП фаоли.



Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг манфаатлари ҳамда мақсадларининг уйғунлиги асосида тузилган ва давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, шунингдек, ўз вакиллари орқали давлат ва жамият бошқарувида қатнашувчи ташкилот — сиёсий партиялар муҳим ўрин тутadi.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, давлат ва жамият қурилишида уларнинг ролини ошириш мақсадида барча ҳуқуқий асослар яратилди. Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, қарорлар қабул қилишдаги партияларнинг қарашларига эътибор кучайди.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши эса, ҳеч шубҳасиз, сиёсий партияларнинг ижтимоий, сиёсий фаолигини кучайтириш, чинакам кўп партиявийликни ривожлантириш, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда гоёт муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қисми, яъни — булар иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашганда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали oilалар, жисмоний имкониятлари чекланган одамлар ва пенсионерлар, таълим, тиббиёт ходимлари, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатадиган ва унинг ночор қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшаётган бошқа соҳаларнинг ходимлари ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг доимий электорати ҳисобланади.

2009 йил март-август ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам партияимизнинг ушбу дастурий мақсадларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йиғилишларда партияимиз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлиридаги депутатлик гуруҳларининг иш билан бандлик ҳудудий дастуриларини ҳаётга татбиқ этиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, иш топшида қийналаётган, ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни, хусусан, ёшларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича фаолият таҳлил этилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор ижтимоий масалаларини ҳал қилиш мақсадида минтақавий партия ташкилотлари томонидан "Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари мажмуи ва минтақавий бандлик дастури"ни бажаришда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг амалий иштирокитини таъминлаш тўғрисидаги режалар қабул қилинди.

Уларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда ЎзХДП ташкилотлари юртимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли олдига кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Чунки биз маҳаллаларга, қишлоқларга кириб бормасак, ҳар бир маҳалла, ҳар бир овулда ўз тарафдорларимиз бўлмас, фаолиятимиз самарасиз кенади. Бу ишда Қорақалпоғистон Республикасидаги фуқаролар йиғинларида тузилган 231 та бошланғич ташкилотга таянмоқдамиз.

Шунингдек, жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратаямиз. Чунки жамиятдаги ҳар қандай ҳолат, аввало, аёл кишининг турмушига, oilасига, фарзандлари тарбиясига таъсир қилади. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг 51 фоизидан ортигини, ижтимоий соҳалар ходимларининг 70 фоизига яқинини, партия аъзоларимизнинг 10000 нафардан ортигини хотин-қизлар ташкил қилади.

Авваламбор, партияга нисбатан оддий халқда ишонч уйғотишимиз зарурлиги, бунинг учун дастлаб Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштиришимиз лозимлигини инобатга олиб ва халққа яқинроқ бориш мақсадида жойларда кўча қабул ўтказишини йўлга қўйдик. Жумладан, шу йилнинг январь ойида Кўнғирот туманининг "Гулбод" фуқаролар йиғинида кўча қабулини ўтказдик. Қабул натижасида бир неча ёшлар иш билан таъминланди. Бундай амалиётни бошқа туманларда ҳам қўллаяёмиз.

Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашлири ҳузурида шундай Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан электоратимиз манфаати йўлида муайян ишлар олиб борилаётган бир пайтда яқинда ЎзЛиДеПнинг вакили

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ахборот дастури орқали ўйламай-нетмай айтган даъвоси бизни ҳайрон қолдирди. Эмишки, "...Жамоатчилик қабулхоналари билан ҳеч нарса ниҳон ечиб бўлмайди". Ваҳоланки, фақат жорий йилнинг ўтган даврида бизнинг республика, туман ва шаҳар партия кенгашлири ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига турли масала ва муаммолар, жумладан, уй-йўл-коммунал соҳасидаги камчиликлар, ер олиш масаласи, иш билан таъминлашда ёрдам сўраб, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа соҳалар бўйича жами 500 га яқин фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг аксарияти амалий ёрдам ёки тегишли ҳуқуқий маслаҳат олишга муяссар бўлди.

ҲАЁТИЙЛИК ВА ХАЛҚЧИЛИК ҳар жабҳада ўз самарасини беради

сар бўлди. Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган, яъни 2006 йилдан кейинги даврни оладиган бўлсак, бу рақамлар янада кўпаяди. Бу ЎзЛиДеП вакилининг чиқиси асосиз эканлигини исботламоқда.

Кам таъминланган, ишончли ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар манфаатларини ҳимоя қилиш партияимиз асосий мақсадларидан биридир. Бу муаммони ҳал қилишнинг асосий омили иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодиёт соҳаси ислохотларига салмоқли ҳисса қўқишидир. Шу боисдан ҳам биз Қорақалпоғистондаги йирик корхоналарда ўз бошланғич ташкилотларимизни тузиб, аъзоларимиз сонини кўпайтириш мақсад қилдик. Жумладан, бугунги кунга келиб, Кўнғирот минтақавий темир йўл узелида 50 дан ортиқ аъзоларимизни бирлаштирган бошланғич ташкилотимиз фаолият юритмоқда. Бунда шунчаки аъзолар сонини кўпайтириш эмас, партияимизга эътиқодли, унинг дастурий мақсад-моҳиятини чуқур англаган инсонларни кўпроқ жалб қилишга эътибор қаратаямиз. Биз партияга эътибор қаратаётган аъзоларни ҳам айнан шу принципга риоя қилаёмиз. Яқин кунлар ичида Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Қумар Бекниёзова, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Рашид Хоҷасов, Сарвиназ Аннақулова ва бошқа спорт чемпионолари, олимпиадалар голиблари бўлган ёшларимизни аъзоликка қабул қилдик. Чунки биз бугун шундай салоҳиятли ва иқтидорли ёшларни партияимизга тортсак, эртага уларнинг ўзи партиянинг етакчи кучига айланади.

Қорақалпоғистон Республикасида ишга лаёқатли фуқароларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш бугунги кун учун долзарб масала, деса ҳам бўлмайди. Бу ердаги экологик шароит ҳам кишилар саломатлигига, ер ва атмосферага, қишлоқ хўжалиги ишларига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Шундай экан, мамлакатдаги илчил ислохотларни амалга ошириш билан бир қаторда ушбу муаммоларни ҳал қилиш ёки салбий таъсирини қамайитиришда ҳам партия фаоли иштирокчи бўлиб қолади.

Партияимизнинг бу борада қилиниши мўлжалланаётган ишлари ҳақида сўз юритар эканман, жорий йилнинг 17 декабрь кунини ЎзЛиДеПнинг марказий наشري бўлишиш "XXI аср" газетасида чоп этилган "ХДПнинг янги мавсумдаги уйинлари" номли мақолани эсладим. Унда, бизнинг партияимиз томонидан илгари сурилаётган мақсад ва вазифаларга ишонсизлик билдирилиб, бундай ишлар "фақат чўпчалардагина бўлишини яхши биламиз", деб ёзилган. Бизнинг фикримизча, ЎзЛиДеП "болалик касалиги"дан охириқабат халос бўлиб, эртак ўқиш билан овоза бўлмасдан, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича Ўзбекистонда илчил ва бошқича-бошқич олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда сиёсий партиялар олдига турган вазифаларни бажаришга қаратилган масалаларга ўз аъзолари эътиборини янада кўпроқ жалб этиб, уларнинг ечимини топишга қаратилган аниқ чораларни таклиф этса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўз навбатида, биз ЎзЛиДеПнинг сайловолди дастурини ўрганиб, унда яна ўша эски гоёларни, яъни аёл-

ларнинг орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги курак ваъдалардан бошқа ҳеч нарса топа олмадик. Ахир аёллар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолигини ошириш масалалари фақатгина улар орасида ишбилармонликни ривожлантириш ҳисобига ҳал этилмайди-ку. Биз бу ҳисобга бутунлай бошқа фикрамиз. Бизнинг фикримизча, бирламчи ва зифа сифатида аёлларнинг бандлигини таъминловчи қонунчиликлар янада ривожлантирилиши, уларга тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш ва бошқа масалалар қаралиши керак.

Умуман олганда, баъзи сиёсий партиялар вакиллари ўзларининг сайловолди чиқишларида ЎзХДПнинг турли масалалар, чунки, хотин-қизлар масалалари бўйича позициясини танқид қилишмоқда. Танқид тўғрисида нотўғриликми, бу билан уларнинг иши йўқ, Гўёки Ўзбекистон ХДП аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг ўзига хос ижтимоий муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ масалалар билан шуғулланмаётган эмас.

Юмшоқ қилиб айтадиган бўлсак, бу ҳақиқатдан узоқ фикр. Чунки Ўзбекистон ХДП қошида "Фаол аёллар" қаноти фаолият кўрсатмоқда. Унинг сайёҳ ҳаракатлари билан пойтахт ва жойларда партия аъзолари ва унга хайрихоҳ аёллар иштирокида сиёсий ва фуқаролик ўқувлари, семинар-тренинглари, анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда. Бу ўз самарасини бераётган. Кўпалар хотин-қизлар ўз тақдирини Ўзбекистон ХДП билан боғламоқда. Кейинги беш йил давомида партияимиз сафларида аёллар салмоғи 35 фоиздан 45 фоизгача ортди. Минглаб фаол хотин-қизлар бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия сайланма органлари аъзолари, ЎзХДП маҳаллий кенгашлири раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари этиб сайланганлар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлири депутатлари этиб сайланган хотин-қиз сафдошларимиз электорат манфаатлари йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Ёки янги бир мисол. Олдиндаги сайлов муносабати билан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг аёлларга ажратилган 30 фоизли квотасини бажаришда биз қийинчилик сезганимиз йўқ. Ҳозир улар сайловчилар билан учрашувларда партияимизнинг сиёсати ва ўз сайловолди дастури билан мазмун-моҳиятини тушунтирмоқдалар. Уларнинг қўнчилиги сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланишига аминимиз.

Маълумки, ЎзХДПнинг Сайловолди дастурида электорат манфаатлари ҳимоси ҳамда уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш борасидаги тавсиялар аниқ-равшан акс эттирилган.

Албатта, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш масаласига ургу берилаётган экан, бунинг учун, биринчи навбатда, жамиятдаги ёки ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўриш лозимлигини биз яхши тушунамиз. Авваламбор, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, ногиронларнинг саломатлигини инобатга олган ҳолда, кулай шароитларда ишлашлари ва даромад топишлари учун имкониятлар яратиш, уй бекалари бўлган аёллар учун қасаначиликни янада ривожлантириш, коллежаларни тугатган ёшларнинг иш билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, Орлобўйи минтақасида экологик муҳитни яхшилаш соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар самардорлигини ошириш каби масалалар асосий вазифаларимиздан ҳисобланади ва бизнинг партияимиз фракцияси уларни ҳал қилиш учун самарали сайёҳ-ҳаракатлар қилишга тайёр.

Азиз сайловчилар! Агар ЎзХДП номзодларига овоз берсангиз, биз инсонларга муносиб турмуш шароитларини яратиш учун ҳуқуқий асос бўладиган қонунларнинг мукамалроқ бўлишига, энг муҳимини, уларнинг тўла-тўқис ижро этилишига эришиш чора-тадбирлари кўрилишига ҳаракат қиламиз.

Назира МАТЎҚУБОВА, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси.

Утган аср тиббиётида фақатгина одатдаги мавсумий грипп касаллиги маълум бўлган бўлса, XXI асрда грипп вирусларининг яна 2 та тури — парранда гриппи ва А/Н1Н1 пайдо бўлди.

Аслида, грипп жуда қадим замонлардан маълум бўлган юқумли касалликлардан бири ҳисобланади. У дунёда энг кенг тарқалган ва ўта юқумли касалликдир. Шу боис ушбу хасталикка "грипп", "инфланца" деган номлар берилган. Бу сўзлар француз ва лотинчада "хужум қиламан", "қуршаб оламан", "ёпишаман" деган маъноларни англатади.

ШАХСИЙ ГИГИЕНА — ЭНГ МАҚБУЛ ҲИМОЯ

Грипп касалликларини (мавсумий грипп, парранда гриппи ва А/Н1Н1 гриппи) вируслар кўзгатади. Грипп вирусининг 3 та, яъни "А", "В", "С" турлари тафовут этилади. "А" турдаги гриппнинг вирусига ўзгарувчан бўлиб, касаллик одамларда ва бир қатор ҳайвонларда, жумладан, паррандаларда учрайди. Бинобарин, жорий йилда кузатилаётган А/Н1Н1нинг кўзгатувчиси ҳам "А" турдаги вирусдир. Грипп вируслари тарқатишчи муҳитга, айниқса, юқори ҳароратга чидасиз, +70 даражали босимда дарҳол нобуд бўлади. Бундан ташқари, вирусга дезинфекцияловчи моддаларнинг одатдаги эритмалари ва ультрафиолфа нурлари кучли таъсир этади.

Одамлар учун парранда гриппи вирусининг манбаи паррандалар ҳисобланади, мавсумий ва А/Н1Н1 гриппида вирус манбаи шу касалликка чалинган беморлар ҳисобланади. Мазкур хасталикларнинг юқishi йўллари ҳам турлича. Масалан, мавсумий ва А/Н1Н1 гриппларида шу касалликка чалинган беморлар йўлтанганда, аксирганида ва ҳаттоки, гапирганида вирус соғлом одамларга ҳавотомчи йўли орқали юкса, парранда гриппида касаллик одамга шу хасталикка чалинган тирик паррандалар орқали юқади. Бугунги кунгача парранда гриппининг одам-

дан одамга ва одамдан паррандаларга юқishi кузатилмаган.

Хозирда А/Н1Н1 гриппининг давлатларро кенг тарқалиши кузатиламоқда. Республикаимизда парранда гриппи ва А/Н1Н1 грипплари билан боғлиқ нохуш ҳолатлар рўйхатга олинмаган. Айни пайтда одатдаги грипп билан касалланиш кузатиламоқда.

Грипп касалликлари тўсатдан бошланади, беморнинг тана ҳарорати кўтарилди, боши қаттиқ оғриди, бадани қакшайди, эти жунжиқади, тумов аломатлари (йўтал, бурун битиши, бурундан суюқлик ажрлиши) қайд этилади. Парранда гриппи касаллигида эса қушиш, ич кетиш, аксират холларда йўқа тўқимасининг яллиғланиши кузатилади. Мавсумий грипп ва А/Н1Н1 гриппига чалинган беморларда, асосан юқори нафас йўллари яллиғланса, парранда гриппида беморларнинг юқори ҳамда пастки нафас йўллари яллиғланади ва касаллик оғир кечиби, ўртача 50-60 фоиз ҳолатларда ўлим билан тугайди.

Грипп ўздан кейин қолдирадиган асоратлари билан ҳам хавфли саналади. Унга чалинмаслик учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш, яъни меҳнат, дам олиш тартибларига риоя этиш, сифатли овқатланиш, кўпроқ тоза ҳавода сайр қилиш, бадантарбия билан

шуғулланиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Айниқса, кўлларни тез-тез совунлаб ювиб туриш, тана ҳарорати кўтарилган, йўтал тугган, тумовга чалинган беморлар билан мулоқотда бўлмасликка ҳаракат қилиш,

Саломатлик

грипп касаллиги мавсуми даврида гавжум жойларда имкон қадар узоқ турмаслик, шунингдек, шифокор маслаҳати билан гриппга қарши эмлатиш — грипп касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёнинг қатор давлатларида парранда гриппи, А/Н1Н1 ва мавсумий грипп касалликлари буйича юзага келган мураккаб эпидемиологик вазиятни ҳисобга олиб, юртимизда ушбу касалликларнинг четдан кириби келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган керакли чора-тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, давлат chegaralarининг кесилиши жойларида, Халқаро аэропортларида, темир йўл станцияларида санитария ва назорат пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Бу пунктларга малакали мутахассислар бириктирилган бўлиб, улар алоҳида тайёрларликдан ўтказилган. Назорат пунктларида дезин-

фекцияловчи моддалар захираси билан таъминланган. "Тошкент" халқаро аэропортида чет элдан келадиган фуқароларнинг тана ҳароратини ўлчаш ўчун замонавий тепловизорлар ўрнатилган. Худди шундай тепловизорлар республикамизнинг бошқа халқаро аэропортларида ҳам ўрнатилди.



этилган ҳолда мазкур вируснинг четдан кириби келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган республика амалий ўқув машғулоти ўтказилди. Худди шундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам ташкил этилди.

"Грипп касаллигининг сақланган", "Парранда гриппи — ўта хавфли юқумли касаллик" ва "А/Н1Н1 гриппи профилактикаси ҳақида" номли оммабоп рисоалар, шунингдек, аҳолига бир касалликларнинг олдини олишни тарғиб этувчи эслатмалар, плакат ва буклетлар тарқатилди.

Энг муҳими, бугунги кунда гриппга қарши эмлаш ишлари республикамиз миқёсида кенг қўламада олиб бориламоқда. Қолаверса, касалликнинг четдан кириби келиши ва тарқалишининг олдини олиш, амалга ошириладиган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кенгаз қўлдан қўйилган штаб ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда грипп касалликлари билан боғлиқ ҳолатлар доимий назорат қилинмоқда. Шундай бўлса-да, ушбу хасталикнинг олдини олиш, энг аввало, ҳар кимнинг ўзига боғлиқ эқанлигини унутмаслигимиз лозим.

Хусан САПАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КҮМЎТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РҲҲАТИДАН ҲАҚИҚАТ ХОЛИГА ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 28 НОЯБРАН 18 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1. "Аҳоли билим турли" қўшма-қўлланмада амалда бўлган "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
2. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
3. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
4. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
5. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
6. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
7. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
8. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
9. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.
10. "Ўзбекистон Республикасида аҳоли билим турли қўшма-қўлланма"нинг 2009 йил 15 декабрдаги 280-қўшимча қўшилди.

«Чиноз балиқларга омихта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ

балиқ, парранда, қорамолларни боқиш учун тайёрланган, дондор омихта ем ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТАДИ.

Дон маҳсулотлари: маккажўхори, буғдой, арпа ва соя шрот, кунгабоқар шрот, хамда омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТИВ ОЛАДИ.

Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри.
Телефонлар: (+998 71) 215-51-52/53,
(+998 93) 184-67-45. Факс: (+998 71) 233-18-12.
E-mail: chzrgk@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган.

ОБ-ҲАВО (23 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ атрофида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-3 даража совуқ, кундузи 7-9 даража илқ бўлади.

«Узгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ТИЛСИЗ ЁВ — БЕАЁВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрдаги фармойишига асосан, 23 ноябрдан 23 декабргача мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Тошкент вилояти ҳудудида ҳам мазкур тадбирни намунали ташкил этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» айнан куз фаслининг охири, қишнинг бошларида ўтказилиши бежиз эмас. Гап шундаки, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати анча пасаяди ва қировли кунлар бошланади. Табиийи, ушбу жараёнда фуқароларнинг иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжлари ҳам бирмунча ортади. Лекин ҳамма ҳам ана шу эҳтиёжни белгиланган тартибда, тегишли мезёр-қоидаларга амал қилган ҳолда қондирмайди. Яъни, носоз ва хавфсизлиги кафолатланмаган мосламаларни ишлатиш ҳолатлари учрайдики, бу ёнғинга сабаб бўлувчи асосий омиллардан саналади.

жирозларнинг қуйиб, қулга айланишига олиб келган. Тошкент туманининг Собир Раҳимов кўчасида истиқомат қилувчи М. Мирзақаримов хонадонда кузатишган ёнғин ҳам арзуманган эътиборсизлик тўғрисида келиб чиққан. Маълум бўлишича, учирилмаган сигарета қолдиғи офатга сабаб бўлган. Касални даволагандан

Долзарб мавзу

да яшовчи фуқаро С. Мусабоевнинг уйда электр симларининг қисқа туташуви ёнғин келтириб чиқарган сабаблардан ташқари, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, болаларнинг ўт

қўра, олдини олган маъқул, деган иборатга ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам ўз фаолиятларининг муҳим жиҳати сифатида эътибор қаратишади. Яъни, ушбу нохуш ҳолатларни қамайти-

ришда аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларининг самарали йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётди. Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи мўбайнида эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада камайгани ана шу сатъ-ҳаракатлар натижасидир.

Тошкент вилояти ИИБ ЕХБ масъул ходимлари хонадонлар, таълим даргоҳлари, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларда мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Шунингдек, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбири доирасида йирик шаҳарлардаги кабель телевидениелари орқали роликлар намоиши этиш йўлга қўйилди.

Бундай тарғибот ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Эеро, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мавсумий масала эмас.

Жамшидбек МАЖНУНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ЕХБ бўлими бошлиғи.

Театрда тақдирот

Ҳамид Олимиди Самарқанд вилояти драма ва мусиқа театрида «Сиртмоқ» драматининг тақдироти бўлиб ўтди.

Таниқли режиссёр Тожибой Исроилов томонидан саҳналаштирилган ушбу асарда разиллик, қабохат, гийҳандлик каби иллатлар охири-оқибат тубаникка етаклиши қизиқарли саҳна кўринишлари орқали очиб берилган.

А. САТТОРОВ.

РЕСПУБЛИКА КҲЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2009 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2009 йил 22 сентябрдаги 8606-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Урганч тумани, Ғалаба қишлоғида жойлашган, «Азамат» хусусий фирмасига қарашли бўлган, умумий ер майдони — 5280,03 кв.метрни, шундан қурилш ости ер майдони 633,17 кв.метрни ташкил қилган бино ва ишоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 21 824 334 сўм.

Ушбу эълон «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2009 йил 27 ноябрдаги 95-сониде чиқатилган.

Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита юзга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилди.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, ўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекбанк» «Тинчлик» филиали, МҲО: 00580, СТИР: 200933850.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.
Телефон: (8-362) 226-32-63.
Факс: (8-362) 224-36-97, (8-362) 226-43-64.
WWW.RKMB.UZ
Лицензия: DB 001 № 000004.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзгонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахриратта келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказиде терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.20 Тошхирлиди — 01.50

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

Кимошди савдоси ҳар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари Тошкент шаҳар мулк қўмитаси бўлимида ўтказилади.

Маълумот учун телефонлар: 244-88-03, 244-88-04.
Тошкент шаҳар «2-автобус саройи» ОАЖ маъмурияти.